Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 9 май, сешанба • № 37 (10.713) • Эркин нархда сотилади

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ



Фашизм устидан буюк Ғалаба қозонилганига роппа-роса 50 йил тўлди. Бу Ғалаба бутун инсоният тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Бошқа халқлар қатори Ўзбекистонликлар ҳам ғалаба учун мардона курашган эди. Улар ўз жонини аямасдан, Иккинчи жаҳон урушининг барча жабҳасида душман билан қаҳрамонона жанг қилди. Жанчилар қони ва жони эвазига келган мукофотлар бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистоннинг 170 мингдан ортиқ вакили орден ва медаллар билан мукофотланган. Шулардан 338 кишига Қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса шуҳрат ордени-нинг тўла кавалери бўлган. Биз улар кўрсатган жасорат олдида бош эгамиз, фронт ортида фидокорона меҳнати билан ғалабани якунлаштиришга муносиб ҳисса қўшган кишиларга юксак эҳтиромимизни билдирамиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг жанг майдонларида ҳалок бўлган оталаримиз ва оғаларимиз хотираси олдида бош эгиб, уларнинг қаҳрамонлигини фахр билан ёдлаб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз экани тўғрисидаги гапи айни ҳақиқатдир.

8 Май куни республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлди.

Майдон байрамона безатилган, баҳор шабадаси байроқларни ҳилпиратиб турибди, ёрқин тантанали шиорлар диққатни жалб этади.

Меҳмонлар учун ажратилган жойдан ҳукумат аъзолари, республика Олий Мажлиси депутатлари, вилоятнинг ҳокимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналминалчи жангчилар, Тошкентдаги меҳнат жамоалари аъзолари ўрин олди.

Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳам шу ерда.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакат қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов, республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, 1941—1945 йилларда-ги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва республика Бош вазирининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳукумат минбарига чиқиб келишади.

Майдонда буйруқ садолари эшитилади. Бу ҳарбий параднинг бошланишидан дарак эди. Ҳарбий парадни Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов қабул қилади. Мудофаа вазирининг ўринбосари, Тошкент ғарнизони бошлиғи, парад қўмондони генерал-майор Қаҳрамон Абдуллаев вазирга қўшинларнинг тантанали маршга тайёр экани тўғрисида рапорт беради.

Мудофаа вазири сафга тизилган бўлинмаларни айланиб чиқади, ҳарбийлар билан саломлашади, сўнгра қўшинларнинг ҳарбий парадга тайёрлиги ҳақида Ўзбекистон Президенти, мамлакат қуролли кучлари Бош қўмондони Ислом Каримовга рапорт беради. Мудофаа вазири ҳукумат минбарига кўтарилди.

Ўзбекистон республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Парадни ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлашга аҳд қилган ёш дўмбирачиларнинг қўшма ротаси бошлаб беради. Дўмбира зарблари парад оҳанги, қўшинлар ва ҳарбий техника сафларининг майдондан ўтиш йўсинини аниқлагандай бўлади.

Дўмбирачилардан сўнг майдондан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар байроғи остида Мудофаа вазирлиги зобитлари, Тошкент гарнизонининг қисмлари ва ҳарбий ўқув юртларининг қўшма батальони чиройли саф тортиб ўтади.

Улар сафида зобитлар корпусининг энг яхши намояндалари, республика мукофотларига сазовор бўлганлар, байналминалчи жангчилар — хуллас аскарларга моҳирлик билан сабоқ бераётган, ватан ҳимоячиларининг ҳарбий анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган ҳарбийлар бор эди.

Бу — Ўзбекистон мустақиллиққа эришганидан кейин республикамиз пойтахтида ўтказилган биринчи ҳарбий параддир. Армиямиз давлатимиз ҳавфсизлигининг муҳим кафолати ҳисобланади. Унинг сафида чуқур ҳарбий билимга, зарур маънавий-руҳий тайёргарликка, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган зобитлар хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ёшларнинг кўпчилиги ҳарбий мутахассисликни эгаллашга, ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишга интилмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганидан кейин зобитлар корпусидаги миллий кадрлар сони ўн марта ошди.

... Зобитлар батальонидан кейин майдонга мустақил Ўзбекистоннинг дастлаб ташкил этилган ҳарбий кучлари — миллий гвардия бўлинмалари кириб келади.

Шундан сўнг республика ҳарбий билим юртлари етакчиси — Тошкент олий умумқўшин зобитларини тайёрлаш билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади. Мазкур билим юрти Ўзбекистондаги энг кекса ҳарбий ўқув даргоҳидир. Бу йил у ўзининг 77 йиллигини нишонлайди. Билим юрти ташкил этилганидан бери бу ерда турли ихтисосдаги 25 минг зобит тайёрланган. Уруш йилларида бу билим юртида таҳсил кўрган 48 кишига юксак қаҳрамонлик унвони берилган.

Навбат Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларига келади. Бу ўқув даргоҳи бугунги кунда энг замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа зобитлари, танкчилар, десантчиларни тайёрламоқда.

Танкчилардан кейин майдондан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, республика Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади.

Шундан кейин, тантанали сафни чегарачи денгизчилар, ҳарбий десант қўшинлари ҳамда республика Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари вакиллари давом эттиради. Аскарларнинг очиқ ва жасур чеҳрасига назар ташлаган кишида ватанимиз хавфсизлиги ва фуқароларимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканига ишонч ҳосил бўлади.

Майдонда моторларнинг сокин, салобатли овози эшитилди — энди армиямиз ихтиёрида бўлган жанговар техниканинг асосий намуналаридан иборат механизациялашган колонна ўта бошлайди. Бронетранспортёрлар, пиёдалар ва десантчиларнинг жанговор машиналари, танклар, ўзи юрар тўплар, бошқариладиган зенит ракеталари, уруш пайтидаги афсонавий «Катюша»нинг давомчиси — бирданига ўт очувчи «Дўл» ва «Бўрон» реактив тизимлари барчанинг диққатини тортади. Парадда бу қудратли қуролларни энг юксак даражадаги мутахассислар бошқариб боришди.

Мустақил Ўзбекистон тарихидаги биринчи ҳарбий парад ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари эркимиз ва мустақиллигимиз ҳимоясида турган республика Қуролли Кучларининг куч ва қудратини намойиш этди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бу тантана Ўзбекистон жангчилари авлодлари ўртасида мавжуд бўлган узвийликни яққол намойиш этди. Ҳозирги зобит ва аксарлар бундан ярим аср муқаддам инсониятга тинчлик ҳадя этган ота-боболарига муносибдир. Бугунги кунда улар кўпмиллатли мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик вазиятининг барқарорлигига, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
А. ИВАНОВА репортажи.
(ЎзА).

ДИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛСИН

ТОШКЕНТДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ БЎЛДИ

Муҳташам саройга 8 май куни урушнинг оловли йилларида жанггоҳларда ҳамда фронт ортида жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатган авлод вакиллари, республика Қуролли Кучлари зобитлари, аскар ва курсантлар, пойтахт жамоатчилиги намояндалари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари ташриф буюрди.

Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов йиғилишни очди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Аввало барчангизни улуғ айём — иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман, деди Президент. Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо Ғалаба байрами бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу байрам бизга, бизнинг халқимизга катта қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга, қалбларимизни изтиробга солади.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, беғубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ватанимизнинг тўрт юз минг фарзанди, жанг майдонларидан қайтмаганларни, шаҳид бўлганларни, умри хазон бўлганларни чуқур изтироб билан эслаймиз, уларнинг халқимиз юрагидаги ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, фронт орқасида меҳнат қилган фидойи юртдошларимизни, «қора хат» юрагини доғлаган отаоналарни, гулдай умри хазон бўлган келинчакларни, ота меҳрига тўймаган етим-есирларни эсламасдан иложимиз йўқ.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг дилимиздаги яралар янгиланади. Чунким, юртимизда урушдан жафо чекмаган бирорта хонадон, оила йўқ.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш — барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак, — дея таъкидлади Ислом Каримов.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз: бугун давлатимиз, халқимиз қийин ва оғир ўтиш — тикланиш даврини бошидан кечирмоқда. Лекин қандай бўлмасин, ўзининг ҳаётини ватан ҳимоясига сафарбар қилганларнинг бошини силаб, уларнинг кўнглини чўктирмасдан, норози қилмасдан, керак бўлган барча шароит-имтиёзларни яратишга бугун ҳамма имкониятимиз бор. 23 миллионли халқимиз бор, етарли салоҳиятимиз, куч-қувватимиз бор. Нима, урушда қатнашган 100 минг инсонга ва фронтга ёрдам берган 200 минг кишига шароит туғдиришга қурбимиз етмайдими?

Биз яхши биламизки, ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни миллий ғурур, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда, ҳар кунлик ташвишларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суянчдир.

Бугунги кунларга етиш учун сиз, азиз қарияларимиз қанча жабру жафо чеккансиз,жасорат ва матонат кўрсатгансиз, шунинг учун ҳам, бугунги куннинг қадрига етадиганлар ҳам сиз — кўпни кўрган кексаларсиз.

Яна бир фикрни қатъий таъкидлаш лозим,— деди Президент.— Уруш майдонларида қурбон бўлганларни, ҳаётдан кўз юмганларни — илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин! — Ҳаёт тургунча эслаймиз, уларнинг мўътабар хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун осмонимиз мусаффо ва беғубор, халқимиз, юртдошларимиз тинчлик, осойишталик вазиятида яшамоқда, хизмат қилмоқда.

Бундай ҳаётга етиш учун сиз, азизларнинг ҳам ҳиссангиз чексиз. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Тилагим шуки, илоҳим умрингиз узоқ бўлсин, бизнинг бахтимизга, юртимиз бахтига бошингиз омон бўлсин, тану жонингиз соғ бўлсин. Диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, — деди пировардида Ислом Каримов.

Республика мудофаа вазири генерал-лейтенант Р. Аҳмедов ўз маърузасида фашизм устидан қозонилган Ғалабага Ўзбекистон қўшган улкан ҳисса, шонли оталаримизнинг қаҳрамонлиги, бугунги кунда улар изидан бориб, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган мустақил ватанимиз Қуролли Кучларининг ҳозирги салоҳияти ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик хусусида тўхталди.

Тантанали маросимда республика уруш ва фахрийлар кенгаши раиси Б. Раҳимов, истеъдодаги генерал-полковник П. Шевелёв сўзга чиқиб, уруш даври қийинчиликларини бошдан кечирган авлоднинг ватан олдидаги фидойилиги муносиб тақдирланаётганидан мамнуният изҳор этдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Буюк Ғалабанинг 50 йиллигини ўтказувчи ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Йиғилиш сўнггида санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

8 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

— Инсониятнинг фашизм балосидан қутилиши йўлида ярим миллион нафарга яқин Ўзбекистон фарзандлари шаҳид кетди, — деди Ислом Каримов сафар олдидан журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Оқ сут берган онасини, ота меҳрига тўймаган боласини, азиз ватанини дея омонсиз жангга кирган мардларни, бегуноҳ қурбонларни ёд этмоқ ҳам фарз, ҳам қарздир. Ота-боболари, акаукалари окопларда бирга жанг қилган турли миллат вакилларининг буюк Ғалаба куни бирга бўлиши, ўтган оғир кунларни, ғоят қимматга тушган ғалаба нашидасини бирга туйиши ҳам бениҳоя муҳим. Биз Москвада ўтадиган тантаналарда уруш қурбонлари хотирасига, ғалаба билан юртга қайтган жангчиларга яна бир карра эҳтиром билдирмоқ ниятида иштирок этамиз.

Мамлакатимиз раҳбарини аэропортда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

6 май куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов ва Ўзбекистон Президентининг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди.

Ўзбекистон Парламенти Раиси журналистларни Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ иккинчи сессияси якунлари билан таништирди. Сессияда, жумладан, Ислом Каримовнинг Президентлик ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан ўтказилган умумхалқ Референдуми якунлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг таркиби, Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринаси, давлат нишонлари тўғрисидаги каби муҳим масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганини таъкидлади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

З. О. ФАЙЗИЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Савдо соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, республика аҳолисини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмасининг раиси Зафар Омонович Файзиевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. ИБРАГИМОВНИ (МАРҲУМ) «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатганлиги учун Баҳром Ибрагимов (марҳум) «Жасорат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 май.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

6 май куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б. Эшоновнинг иккинчи ўқишда киритилган Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан маърузасини тингладилар. Депутатлар муҳокамасидан сўнг қонун қабул қилинди.

Парламент Маъмурий ҳибс жазосига тортилган шахсларни сақлаш юзасидан харажатларни ундириш тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳот ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошевнинг маърузасидан сўнг депутатлар республиканинг бир қанча қонунчилик актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритдилар.

Депутатлар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродовнинг маърузасини тинглаб, 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисидаги Қонун ҳамда мазкур қонунни кучга киритиш ҳақидаги қарорни муҳокама қилдилар ва уларга ўзгартишлар киритдилар.

Сўнгра биринчи ўқишда «Меҳнат шуҳрати» ва «Шон-шараф» орденлари тархи ва тасвири ҳақидаги низом лойиҳасини муҳокама этдилар ҳамда ушбу ҳужжатларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Аҳмедов Ўзбекистон республикасининг ҳарбий доктринаси хусусида маъруза қилди. Ҳарбий доктрина лойиҳаси биринчи ўқишда парламент томонидан маъқулланди ҳамда умумхалқ муҳокамасига тавсия этилди.

Парламент бир қанча давлатлараро ҳужжатларни кўриб чиқди. Олий Мажлис кейинги вақтда Ўзбекистон билан Польша, Молдова ўртасида тузилган шартномаларни ратификация қилди. Шунингдек, республика бир неча давлатлараро конвенцияларга қўшилди.

Парламент инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили қошида инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича комиссия тузди.

Сессия котибияти раҳбари М. Ашуров депутатларга меҳнат жамоаларидан, раҳбар шахслар ва айрим фуқаролардан сессия номига келган мурожаатлар ҳақида ахборот берди.

Республиканинг олий қонун чиқарувчи органи ўз ваколатига кирувчи бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини тугатди.

(ЎзА).

Ғалабанинг 50 йиллиги

ХАЛҚ МАТОНАТИ СЎНМАС

Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Олмалиқ шаҳрида ўтказилган вилоят байрам тантаналаридан репортаж

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 миллион 433 минг 230 киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси 23 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо, биродарлар, аввало, урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир. Қолаверса, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Улардан 263005 киши ҳалок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу машъум уруш туфайли энг камида 400 минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оилалари, фарзандлари олдида таъзим қиламиз, бош эгамиз.

Ислом КАРИМОВ.

***ОЛМАЛИҚ уруш жанггоҳларидан узоқда эди. Бу ерда ўқ ва снарядлар отилмаган, бомбалар портламаган. Лекин, тоғлар қўйнидаги мана шу сокин ўзбек қишлоғига ҳам урушнинг ҳамма даҳшатлари етиб келди. Аввалига қишлоқ ўзининг сара ўғилларини аскарликка юбориб, бир неча кундаёқ ҳувуллаб қолди. Қишлоқда қолганлар ҳам яқин атрофдаги жамоа хўжаликларига бориб, дала ишларида уззукун меҳнат қила бошладилар, кўплар Ангренга кон қазиш ишларига чақирилдилар. Қишлоққа бирин-кетин «қора хат»лар кела бошлади. Мамат Алипиллаев, Норқул Анорбоев, Мамак Душаев, Нормат Зокиров, Кўчқор Исматов, Абдуқодир Тўрабоев... Бу йигитларнинг хонадони қора либос кийди, жигаргўшаларининг кўз ёшлари дарё бўлиб оқа бошлади. Бошқаларникига эса хат ҳам келмади, «кўз қаро»ларидан дарак бўлмади. Почтачининг бирон янгилик олиб келишини Юсуф Ўтабоев, Ҳамураев Нойбат, Мамадали Оққўлов кабиларнинг хонадонида ҳали-ҳануз илҳақ бўлиб кутадилар. Чунки, улар урушда бедарак кетишган.*

Вилоятнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларига ҳам, ҳар бир гўшасига ҳам уруш ана шундай алам ва қайғу олиб келди. Ўтган урушнинг сўнмас фожеаси, битмас жароҳатларини ўзида сезмаган бирор оилани тополмайсиз.

Бу кунларга омон етиб келганлар эса суронли йилларни изтироб билан эслайдилар. Шунинг учун ҳам Ғалабанинг 50 йиллик байрамига шаҳарда алоҳида тайёргарлик кўрилди. Бир неча кун бурун Олмалиқ кўчалари, хиёбонлари, боғлари ўзгача бир тусда ороланди. Олмалиқ марказида супермаркет очилди. Унинг пештахталаридан жой олган хилма-хил сифатли маҳсулотларни аҳоли севиб, харид қила бошлади.

Ўтган якшанба куни эрталабдан шаҳар марказий майдонига минг-минглаб олмалиқликлар йиғилдилар. Вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларидан махсус автобусларда келган уруш ва меҳнат фахрийлари майдондаги минбарлардан жой ола бошладилар.

Ғалабани шарафловчи, тинчликни улуғловчи шиорлар, байроқлар билан безатилган майдон узра шўх мусиқа садолари эшитилади. Бир лаҳза майдонга сокинлик чўкади. Сўнг Ўзбекистоннинг улуғвор гимни янгради. Байрам тантаналари очиқ деб эълон қилинди.

Вилоят ҳокими Э. Рўзиев майдон марказидаги микрофон ёнига келади. У отахонлар ва онахонларни, уруш ва меҳнат фахрийларини байрам билан самимий мубораклаб этади. Ҳоким куни кеча ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ҳақида, республика Президенти И. Каримовнинг сессиядаги нутқи, бу нутқда Ғалабанинг тарихимизда тутган ўрни ва аҳамиятига юқори баҳо берилганлиги ҳақида гапирди.

«Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, — деди Президент, — ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин, олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».

Нотиқ пойтахт вилоятининг иккинчи жаҳон урушида ғалабага қўшган катта ҳиссаси ҳақида тўхталди. Тошкент вилоятидан 1941 йилда 100 мингдан ортиқ киши урушга кетган эди. Улардан 32 минг 700 нафари қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Вилоят вакилларидан 20 дан ортиқроғи Ватанни ҳимоя қилишдаги жасоратлари учун «Ватан қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлдилар, минглаб юртдошларимиз эса қўша-қўша орден ва медаллар билан мукофотландилар. Айни вақтда вилоятимизда 12 мингдан кўпроқ уруш фахрийлари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Улар бугунги кунда ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда кўпчиликка ўрнак кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Нотиқ халқимизнинг фронт ортидаги жасорати ҳақида ҳам эслатиб ўтди. Ўша машақкатли уруш йилларида эркаклар ўрнини аёллар, болалар эгаллашиб, оғир меҳнат қилишиб, жангчиларимизни озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқдори ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминладилар. Бағри кенг саҳий халқимиз ғарбий худудлардан кўчириб келтирилган минглаб кишиларни, болаларни ўзларининг иссиқ бағрларига олиб бошпана берди.

1942 йилги ҳужжатдан кўчирма

«Янгийўл туманида 9 та колхозда болалар уйи очилиб, 10-15 ёшда бўлган 103 бола жойлаштирилди. Бу болалар уйлари ётоқ, асбоблар, кийим билан тўлиқ таъминланган. Ўсмир болалардан шу туманда корхона ва совхозларда ишга 137 бола жойлаштирилди. Янгийўл тумани тажрибаси асосида вилоятнинг бошқа туманларида ҳам эвакуация қилинган болалар учун колхозлар қошида болалар уйлари очиш учун иш қизитиб юборилди... Туманда эвакуация қилинган болалар учун ёрдам фондига 1942 йил 1 мартгача 11094 сўм пул тўпланган, болалар кийимлари ҳозирча 2009 дона йиғилган.

Вилоят маориф мудири ОРТИҚОВ».

Ўша йилларда вилоятимизга кўчириб келтирилган кўплаб завод ва фабрикаларда минглаб аёлларимиз, ўсмир ва болаларнинг ҳамда урушдан ногирон бўлиб қайтганларнинг оғир меҳнатдан қўрқмай жасорат кўрсатганликларини ҳеч биримиз унута олмаймиз. Албатта, буларни халқимиз доимо фахр ва ғурур билан эслайди. Шунинг учун вилоятимизда уруш ва меҳнат фахрийларига эътибор билан қаралмоқда. Жойларда уч авлод вакиллари учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Уруш қаҳрамонлари хотирасига эса ёдгорликлар ўрнатилмоқда. Бугунги байрам арафасида Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида, Зангиота тумани марказида Мардлик-мангулик монументлари очилганлиги фикримизнинг далилидир. Худди шундай ёдгорлик бугун — 9 Май куни Қибрай туманидаги Хўжақўрғон қишлоғида, Бўка туманида ҳам очилади. Бундан ташқари бир қатор туманларда Хотира боғлари яратилди.

Э. Рўзиев вилоят меҳнаткашларини, уруш ва меҳнат фахрийларини байрам билан яна бир бор қутлаб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишда уларга катта муваффақият тилади.

Табрикдан сўнг майдонда Ғалаба байрамига бағишланган театрлаштирилган томоша бошланади. Деҳқонлар кетмон, ўроқ кўтариб олишган, кончилар қўлида эса ер остидан маъдан қазиш асбоби. Нариги томонда — пахтазорда иш қизғин.. Шу пайт радиодан машъум хабар таралди: мамлакатга уруш эълон қилмай ёвуз душман бостириб кирибди. Ҳамма Ватан ҳимоясига отланади. Хотирамизга ўрнашиб қолган уруш йилларидаги сафарбарлик руҳи билан суғорилган мусиқа садолари эшитилади. Томошабинлар кўзи олдида уруш ўзининг ҳамма даҳшатлари билан гавдаланади. «Аскарларимиз» қўлидаги автомат ва пулеметлар «сайради», чекка-чеккада «бомба» портлади. «Шаҳар ва қишлоқлар», «олов алангаси ичида қолди». Бу манзараларни томошанинг бош режиссери Ўзбекистон маданият институти доценти Бахтиёр Сайфуллаев ва унинг ҳамкасблари маҳорат билан кўрсатишга эриша олганлар.



Орзиқиб кутилган Ғалаба келди. Фашистлар уясида байроқ ўрнатилди. Ғолибларнинг ўз юртида қувонч билан кутиб олиниши, марҳумларни ёд этиш онлари чиройли саҳналар орқали томошабинларга таъсирли етказиб берилди.

Халқ ўз қаҳрамонларини муносиб шарафлайди. Буни Ғалаба парадидан ўтган техника ва ғолиблар тушган машинани кузатган, осмонда нурафшон бўлган мушакбозликдан қувончга тўлган томошабинлар юзидаги қувонч ва шодликдан сезиш мумкин эди.

Вилоят фахрийлар ташкилотининг раиси А. Алимов микрофон ёнига келади. У байрам муносабати билан вилоят аҳлига, барча уруш ва меҳнат фахрийларга қарата мурожаатномани ўқиб беради.

Театрлаштирилган томоша ниҳоясида спортчилар, санъаткорлар, пойгачилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Байрам тантаналари шаҳарнинг боғ ва оромгоҳларига кўчди. Келган меҳмонлар учун олмаликликлар катта байрам дастурхони тузаган эдилар. Ана шу дастурхон атрофида фахрийлар ўтган кунлар ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар. Бир даврага яқин келамиз. Бу Янгийўл шаҳри фахрийлари.

— Раҳматов Сайфиддин, — ўзини таништиради кўкси орден ва медалларга тўла қария. Билишимизча, у ҳарбий майор унвонида хизмат қилган таниқли десантчи экан. Сайфиддин ака 53-армиянинг 174-гвардиячи дивизияси сафида Корсун-Шевченко операциясида алоҳида ўрнат кўрсатган. У 13-гвардиячи полк ёшлар ташкилотининг котиби ҳам бўлган. Днестрдан кечиб ўтишда, Молдавия, Руминия, Чехословакияни озод қилишда қатнашган. Япон милитаристларини тор-мор қилиш учун Узоқ Шарққа борган. Ички Монголия чўлларидан 1200 километр пиёда юриб, Порт-Артургача етиб борган. Урушдан кейин Янгийўл шаҳридаги Навоий номли ўрта мактабда директор бўлиб ишлади. Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари ва бошқа медаллари ёнига меҳнатдаги жасоратлари учун ҳам мукофотлар олди.

Сайфиддин аканинг ёнидаги мўйсафид — саксон ёшдан ошган Юсуф ота Алиев экан. У урушнинг иккинчи куниёқ жангга отланган. Жуда кўп масканларни кезиб чиққан. 44-тоғли кавалерия дивизияси чавандозлари сафида Москвани ҳимоя қилган. 1941-йил аёзли қишида отига миниб, Москвада параддан ўтган ва тўғри жангга кирган. Солнцегорск, Клин, Волоколамскдаги энг оғир жангларда оддий ўзбек колхозчисининг кўрсатган жасоратига ҳамма қойил қоларди.

Ўртачирчиқдан вакил бўлиб келган Анвар ака Пармонов 1942 йил бошида аскарликка олинган. Шу йил октябрь ойида у Дон фронти таркибидаги 24-армиянинг 260-дивизияси 1026-полки ихтиёрига бориб Сталинград мудофаасида ва Волга бўйидаги қуршовда қолган немис қўшинларини тор-мор қилиш жангларида қатнашган. Смоленск, Брянск вилоятларини озод қилишда иштирок этган, 1-Белоруссия фронти таркибида Берлин операцияси жангларида қатнашган. Урушдан кейин партия, хўжалик ишларида самарали фаолият кўрсатди. Ҳозир эса Ангор қишлоқ кенгаши фахрийларининг раҳбаридир.

Бўкаликлар уруш ва меҳнат фахрийси Мирзаахмад Хайитбоев номини ҳурмат билан тилга оладилар. Саксон ёшдан сакраган бу мўътабар инсон 1942 йилда Пискент ҳарбий комиссарлигидан урушга отланган эди. Қисқа муддатли ўқув курсини тугатгач, Кавказорти фронтига жўнатилади. У ерда ўзбек дивизиясида хизмат қилади. Кавказни, Севастополни, Краснодар ўлкасини, Қримни фашистлардан озод этишда жасурлик кўрсатади. Мирзаахмад Хайитбоев ўз қисми билан Курск, Белгород яқинида, Смоленск, Минск йўналишида уруш ҳаракатларини давом эттириб, Белоруссияни душманлардан озод қилади ва Болтиқ бўйи томон йўл олади. Ғалабани у узоқ Кенигсбергда кутиб олган эди. Мирзаахмад ака урушдан кейин ҳам намунали меҳнат қилди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор унвонига сазовор бўлди.

Бўкалик Яҳё Эргашев иккинчи гуруҳ уруш ногиронидир. У июнь ойининг бошларидаёқ жароҳат олди, даволаниб сўнг иккинчи бор жангга кирди. Кейин 1941 йил декабрида чап қўлидан оғир яраланди. Шифокорлар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, қайта сафга тура олмади. 1942 йил апрелида қадрдон Бўка қишлоғига қайтиб келди. Саломатлиги кўтаргунча меҳнат қилди, оила қурди. Тўққиз фарзандни ўстириб, ўқитиб, тарбиялади. Ҳозир унинг 43 невара, олти чевараси бор. Уларнинг ҳаммаси уруш фахрийси бўлган Яҳё акани ҳамма жойда ардоқлашади.

Уруш қатнашчиси, истеъфодаги капитан Холбўта Деҳқонов бекободликларнинг ҳам жанггоҳлардаги, ҳам мамлакат ичкарисидаги фидокорликлари ҳақида даврадагиларга гапириб берди. Уруш йилларида Сир бўйидаги мана шу тумандан 10 мингга яқин ўғлон қўлига қурол олиб фронтга жўнаган эди. Улар Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи мамлакатларини ва Оврупони озод қилиш учун ҳаёт-мамот жангларида барча қатори қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Айниқса, Иван Григорьев, Степан Ильин сингари Ватан қаҳрамонлари, Сангин Поччаумаров сингари Шуҳрат орденининг тўла кавалери ва 7 мингга яқин уруш нишондорлари билан бекободликлар фахрланадилар. Бу ерда — олис Бекободда қилинган меҳнат жасорати ҳам жанггоҳлардагидан кам эмас эди. Ўзбекистонда ягона металлургия заводи ҳамда Фарҳод ГЭСи қурилишларида халқнинг чинакам жонбозлиги намоён бўлган. Бу ишларда ўша йиллари раҳбар бўлиб ишлаган Йўлдош Бобожоновнинг ғайрати ва ташкилотчилигини бекободликлар ҳали-ҳали эслаб юришади.



Байрам қатнашчиларининг давра суҳбати қизигандан қизиди. Улар озодлик йўлида қурбон бўлганларни, Ғалаба кунини яқинлаштириш учун фронтда ва фронт орқасида фидойилик қилганларни миннатдорчилик билан ёдга олдилар.

Уруш қатнашчиларининг ҳар бирига ғамхўрлик қилиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари ҳолидан хабар олиш борасида Президентимиз ва ҳукумат кўрсатаётган амалий ишлардан мамнунликларини изҳор қилдилар. Чиндан ҳам Ўзбекистон раҳбарияти уруш фахрийлари олдида доимо қарздор эканлигини Президент Ислом Каримов куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида яна бир бор таъкидлаб, фахрийларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмай, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб уқтирди юртбошимиз.

Тантаналар сўнггида уруш фахрийларига вилоят ҳокимлиги номидан совғалар тарқатилди.

С. МУСАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• Байрам тантаналаридан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

• БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ •

УЛАРНИНГ ЖАСОРАТИНИ СИРА УНУТМАЙМИЗ

Миллий хавфсизлик хизматининг раиси Генерал-лейтенант Ғулом АЛИЕВ фашизмга қарши уруш йилларида Ўзбекистон разведкачилари, контрразведкачилар ва чегарачиларнинг жанговар ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Республикамизда хизматимиз фахрийлари жуда оз қолди — 1941 йилдагидан бир неча ўн баравар кам. Биз уларни ҳамиша барча байрамларга, тантаналаримизга таклиф қиламиз. Кўкракларига жанговар мукофотларни таққан, сочларига қиров тушган фахрийларимиз клубимизга келишганда залга шон-шараф ва жасорат ташриф буюргандек туюлади. Улар билан биргаликда залга ана шу эллик беш йил ичида гитлер фашизмига қарши жангларда, душманнинг орқа томонидаги яширин ишда, Туркистон диёрида қўпорувчилар ва бандитларга қарши курашда ҳалок бўлган, Ғалабадан сўнг ҳам кўзга кўринмас фронт жангларида жон фидо қилган сафдошларимиз ҳам кириб келади...Ўтган уруш Ўзбекистон давлат хавфсизлиги ходимлари, чегарачилари олдига дастлабки кунданоқ кенг миқёсли, аҳамияти жиҳатидан чинакам жаҳоншумул вазифаларни қўйди. Яъни, жанубий сарҳадлардаги вазият тўғрисида ишончли разведка ахборотлари билан таъминлаш, чегарани мустаҳкам қўриқлаш, қисқа муддатда Туркистон ҳарбий қисмлари ва қўшилмаларини тузишда ёрдам бериш, контрразведка кучлари билан ғарбий вилоятлардан минтақамизга кўчириб келтирилган мудофаа корхоналарининг узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш вазифаси турарди. Равшанки, бу вазифаларнинг ҳар бирини бажариш жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бор кучни сафарбар этишни, айни пайтда юксак маҳоратни талаб қилади.

Чегаранинг Афғонистон билан туташ қисмига алоҳида эътибор беришни талаб қиларди. Разведка маълумотлари Гитлерчилар бу ерда қўшимча фронт вужудга келтиришни режалаштираётганини тасдиқлади. 1941 йилнинг ёзида Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудда қуролли отрядлар тузилиб, бир жойга йиғила бошлади. Уларга умумий раҳбарликни Расмус деган кимса амалга оширарди. У жуда тажрибали немис разведкачиси эди.

Ўзбек разведкачиси Баҳром Иброҳимов Маҳмудбек Ойқорли номи билан гитлерчиларнинг Афғонистондаги резидентурасига ишга жойлаштирилади. Кўп жиҳатдан Баҳром Иброҳимовнинг юксак маҳорати, мардлиги ва матонати туфайли фашистлар режасини барбод этишга муваффақ бўлинди. Ишончли манбалардан олинган ва рад этиб бўлмайдиган маълумотлар келтирилиб, Афғонистон подшосига қатъий норозилик билдирилгандан сўнг гитлерчиларнинг макрли режаси фош бўлди, Расмус ўзини ўзи отиб ўлдирди. Бизнинг разведкачимиз эса ўзини фош қилмай, фашистлар тўдаларининг бошқа аъзолари билан биргаликда кўп йилни Кобулдаги Махбас турмасида ўтказди. Бу инсон ватан манфаатлари йўлида ўзини азоб-уқубатга дучор қилиб, ўз ихтиёри билан халқ душмани деган шармандали тавқи-лаънатни бўйнига олиши учун қанчалик мардлик, маънавий матонат зарурлигини бир тасаввур қилинг.

Шу вақт ичида Ўзбекистон шаҳарларида тузилган дивизиялар жанубий чегараларга келтирилди. Улар алоҳида фармойиш олгунга қадар Термиз теграсида бўлди. Маҳмудбек Ойқорли қамоққа олинганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, ана шундай фармойиш келди. Жанубда қўшимча фронтнинг пайдо бўлиши хавфи тугаган эди, шу сабабли ҳарбий кучлар ва жанговар техника ортилган эшелонлар уруш садолари гумбурлаб турган томонга жўнатилди.

Маҳаллий чегара отряди ва соқчи кемаларнинг шахсий таркиби ҳам деярли ёппасига ҳаракатдаги армияга жўнаб кетди, чегарачилар 162-Новгород-Северск ўқчи дивизиясига, денгизчилар эса Волга ва Амур флотига қўшилдилар. Қолган кишилар олдига мавжуд кучлар билан жанубий чегаралар дахлсизлигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Бу вазифани чегарачилар шараф билан бажарганини биз яхши биламиз.

Валентин Мефодиевич Ткаченко Афғонистонга махсус топшириқ билан юборилди. Жасорати Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари билан тақдирланган бу ўзбекистонлик разведкачи топшириқни муваффақиятли бажарибгина қолмай, Маҳмудбек Ойқорлини қамоқдан озод қилишда ҳам иштирок этди. Ҳозир Тошкент кўчаларидан бирига жанговар Қизил Байроқ ордени кавалери, афсонавий жасур разведкачи Баҳром Иброҳимов номи берилган. Унинг номи Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати тарихига зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилган.

Лекин уруш алангаси қуйдирган ўша қийин йилларга қайтайлик. Чегарачи жангчилар Валентин Ткаченко ҳамда бошқа разведкачилардан олинган маълумотлардан чегаралар дахлсизлигини таъминлашда моҳирлик билан фойдаландилар. Натижада ўша даврда чегарани бирон марта ҳам жазосиз бузиб ўтишга йўл қўйилмади, ҳолбуки, хориждан қуролли гуруҳлар чегара орқали мамлакатга суқилиб киришга ҳамиша ҳаракат қилиб келди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммасига қатъий чек қўйилди. Шу кунларда Термиз чегарачилари музейида ўша йилларда чегарани бузиб ўтган шахслардан тортиб олинган қуроллар, ўқ-дориларни кўриш мумкин.

Марказга: фашистлар Эрондаги кўчманчи қабилаларга автомат қуролларнинг катта туркумини етказиб бермоқда, ўз агентларини юбормоқда. Қўпорувчилик гуруҳларини тузмоқда, деган ташвишли разведка хабарлари кела бошлади... Теҳрон бозорида газмол ва ширинликлар билан савдо қиладиган самарқандлик одамшаванда ва сергап савдогар фашистларнинг қўпорувчилик гуруҳларидан бири «катта учлик», — СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари бошлиқларининг Теҳрондаги учрашувини барбод қилишга тайёргарлик кўрмоқда, деган ишончли маълумотни олишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда фашист разведкасининг режаси шармандаларча барбод бўлганини бутун дунё билади. Аммо фашистлар режасини барбод қилишнинг фаол ташаббускорларидан бири — сергап «савдогар» аслида давлат хавфсизлигининг камтарин ходими, ўзбекистонлик разведкачи Шариф Ширинбоев эканини ҳамма ҳам билавермайди.

Уруш йиллари хроникаларида, Узбекистоннинг 1941—1945 йилларга доир тарихий ва бадиий адабиётида кўпинча Ўзбекистон мамлакат ичкарисидаги оддий республика сифатида тасвирланган. Ёзувчилар, тарихчилар фронтларда ўзбекистонликлар матонат билан жанг қилганини, республика ғарбий вилоятлардан кўчириб келтирилган юз минглаб кишилар учун бошпана берганини, бу ерда тинимсиз меҳнат қилганини, фронтга ғалаба учун зарур бўлган маҳсулотларни узлуксиз юбориб турганини холисона қайд этадилар. Бироқ, республиканинг фронтдаги жанглар оқибати учун стратегик жиҳатдан муҳим минтақа сифатидаги аҳамияти одатда эътибордан четда қолиб келмоқда. Айни пайтда республика хавфсизлик хизматининг архивида уруш йилларида гитлерчилар разведкаси Ўзбекистонга биринчи даражали аҳамият бериладиган зона деб қараганини, бу ерда разведка — қўпорувчилик ишларини амалга оширишни асосий вазифалардан бири деб ҳисоблаганини ишонарли тарзда исботлаб берадиган материаллар сақланмоқда.

Фронт чизиғи Каспий денгизига яқинлашгач, Ўрта Осиё темир йўли Кавказ фронти билан мамлакат ичкарисини боғлайдиган асосий алоқа йўли бўлиб қолди. Шу йўл орқали фронтга қурол-яроғ, техника, жангчилар учун зарур бўлган бошқа маҳсулотлар жўнатиб турилди. Ўзбекистон ҳудудидаги ана шу алоқаларни, темир йўл ва ҳарбий иншоотларни ишдан чиқариш учун гитлерчилар қўмондонлигининг фармойиши билан агентларни тайёрлаш ва минтақага ташлаш учун бир қанча разведка-қўпорувчилик марказлари ташкил этилди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Чехословакиядаги Теппел, Германиядаги Лукеенвальд, Польшадаги Легионов шаҳарларидаги, шунингдек Қримдаги Тавел шаҳрида ана шундай марказлар ишлай бошлади. 1943 йилда гитлерчилар бўлажак «Катта Туркистон» учун ўзларининг сиёсий гумашталари — агентларни тайёрлашга киришдилар. Бунинг учун «Арбайтсгеманншафт Туркестан» разведка мактаби ташкил этилди. Марказий Осиё республикаларида қўпорувчилик ва терроризм фаолиятига, исённи тарғиб этиш ишига мўлжалланган махсус «алоҳида командалар»ни тайёрлаш мақсадида Вустрау, Гененген, Зандберг, Тайхеньвальд, Бердин, Потсдам шаҳарларида қатъий яширин мактаблар барпо этилди. СС ва СД бош бошқармаларида Туркистонда иш олиб боришга мўлжаллаб «Тюркостштелле» махсус бўлими тузилди.

Ўзбекистон контрразведкачилари ана шу разведка-қўпорувчилик машинасининг ҳужумини барбод этишга муваффақ бўлдилар. Улар разведка маълумотларига таяниб, ҳарбий иншоотлар, темир йўллар ва алоқа линиялари хавфсизлигини муҳофаза қилишни таъминлаб, аниқ топшириқ билан ҳудудимизга ташланган қўпорувчиларнинг катта гуруҳларини қўлга олиш бўйича бир неча операцияларни муваффақиятли амалга оширдилар.

Орол денгизи теграсида Совет Армиясининг собиқ ҳарбий хизматчиларидан тайёрланган қўпорувчиларнинг катта гуруҳи зарарсизлантирилди. Бу гуруҳ ўз олдида нефт қувурини ва Сирдарё темир йўл кўпригини портлатиш вазифасини қўйган эди. Бундан ташқари, гуруҳга Ўзбекистонда қўпорувчи тўдаларни тузиш ҳам топширилганди. Шунга қарамай, қўпорувчилар ҳеч қандай ишни уддалай олмади, улар республикада жойлашишга ҳам улгуришмади, ҳаммаси дарҳол қўлга олинди.

Ўзбекистон контрразведкачилари Красноводск-Тошкент темир йўлида, Чирчиқдаги комбинатда қўпорувчилик ишларининг олдини олдилар, ҳарбий давр тартиби билан ишлайдиган корхоналарнинг бирортасида ҳам давлат сирининг четга чиқиши ҳолларига йўл қўйилмади. Кўпгина контрразвдкачилар жанговар операцияларни муваффақиятли ўтказгани учун жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Уруш йилларида ишлаган ана шу контрразведкачиларни бугун биз ҳурмат билан шарафламоқдамиз.

Эр-хотин Сичевлар — Алексей Кузмич билан Софья Гажиевна Тошкентда салкам ярим асрдан буён яшашмоқда. Аҳил ва бахтли яшаётган бу кишилар ҳаёти енгил кечмаган бўлса-да, уларнинг тақдири жуда ажойиб. Улар уруш бошланишидан олдидан учрашганлар — Алексей Кузмич Фарғона вилояти давлат хавфсизлиги бошқармасида оператив вакил лавозимида ишлар эди. Бўлажак рафиқасининг биродари Василий Муҳамедов ҳам шу ерда хизмат қилар эди. Гитлерчилар хиёнаткорона ҳужум қилгач, иккаласи ҳам фронтга жўнашга рухсат беришларини сўраб, ариза ёзди. Алексей Сичев илтимоси рад этилди, Василийнинг аризаси эса 41-йилнинг охирида қондирилди. Орадан бир йил ўтмай ундан «Қора хат» келди.

Бундай воқеалар кўп бўлган. Хавфсизлик хизмати архивида фронтга жўнатишга қатъий илтимос қилиб ёзилган бундай аризалар жуда кўп. 2000 нафардан ортиқ давлат хавфсизлиги ходимлари ўзларига берилган «Брон»дан воз кечиб, фашизмга қарши фронтларда жанг қилди. Уларнинг ҳаммаси жангларда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун орден ва медаллар билан тақдирланди.

Уларнинг кўплари Ўзбекистонга қайтиб келмади, Белоруссия, Украина Болтиқбўйи, Венгрия, Польша, Германия ерларига дафн қилинди. Ҳалок бўлган барча жангчиларни номманом санаб ўтиш қийин, бироқ ҳеч бўлмаса, улардан айримларининг номини келтириш ҳозирги тинч ҳаётимизни таъминлаш учун жон фидо қилган жангчилар хотираси олдидаги бурчимиздир. Чунки кўпинча разведкачилар ҳалок бўлганида ҳам номи айтилмайди. Бугун биз уларнинг номини айтишимиз мумкин ва лозим. Катта лейтенантлар Абдулла Холмуродович Хўжаев ва Шодмон Хўжаевич Турсунов, капитан Илья Петрович Плугин, катта лейтенант Аннамурод Овезов, кичик лейтенант Александр Степанович Науменко, капитан Андрей Тихонович Задиран, катта лейтенант Ҳикмат Хусанхўжаев... Уларнинг ва бошқа кишиларнинг номи республикамизда яқинда нашр этилган «Хотира» китобига киритилган. Уларнинг хотираси абадий сақланиб қолаверсин ва ўз ҳаётларини бахшида қилган иш каби нурли ва мусаффо бўлсин. Ватанни ҳимоя қилиш ва озод этиш ана шундай муқаддас ишдир.

Ғалабадан сўнг уйига қайтиш насиб этган кишилар ҳам фронт йўлларини шон-шуҳрат билан, муносиб босиб ўтдилар. Хавфсизлик органларида деярли 30 йил ишлаган Афор ака Ғанихўжаев фронтдан жуда кўп жанговар медаллар, Қизил Байроқ ордени тақиб қайтди. У уруш йилларида Москва остоналаридаги жангларда иштирок этди, Красная Поляна, Солнечногорск шаҳарларини озод қилди. Бир неча бор ярадор бўлди, тузалиб яна жангга кирди. Миллий хавфсизлик хизмати фахрийлар кенгашининг раиси Мирзамурод Алимовнинг жанговар мукофотлари оз эмас, у Ленинград остоналарида, Вольхов яқинида, Карелияда жанг қилди. Фронтда ҳам разведкачи вазифасини бажарди, «Тил» тутиб келишда ном чиқарди, ҳарбий газеталарга хабарлар ёзиб турди... Урушни Забайкал фронтида тугаллади. Йўлдош ака Тошпўлатов — контрразведкачи, 50-йилларда у Ўзбекистоннинг ноҳақ қатағон қилинган маданият арбобларини оқлашда бевосита иштирок этди. Уруш бошланганида у эндигина билим юртини тугатиб, ҳарбий кийим кийган ёш команди эди. 1941 йилда фронтга жўнаб кетди ва жанг билан ғалаба кунигача ўз бурчини шараф билан бажарди. Сталинград остоналарида жанг қилди, Руминия, Югославия, Венгрия, Австрияни озод қилиш учун жангларда иштирок этди. Мардлик ва матонат кўрсатгани учун учта жанговар орден, ўн тўртта медал билан тақдирланган.

Хавфсизлик хизмати фахрийлари, жасур жангчилар, мамлакатга содиқ ватанпарварлар тўғрисида фақат яхши сўзларгина айтиш мумкин. Уларнинг орасида полковник Боис Эргашев, полковник Хайрутдин Асомуддинов, майор Аслан Денешев, полковник Алексей Свалов, майор Ғуломжон Абдуллаев, катта прапоршик Дмитрий Максимов, полковник Борис Митрофанов ва бошқа жуда кўп кишилар бор. Улардан ҳар бирининг фронтда босиб ўтган йўллари, жанговар хизматлари алоҳида ҳикоя қилишга, самимий сўзларга, зўр миннатдорлик ва ҳурматга лойиқдир.

Фахрийларимиз биз учун нақадар қадрли ва азиз, уларнинг тажрибаси ва қалб саховати биз учун илҳом манбаи эканини тўла сезишлари учун бугунги байрам уларга олам-олам шодлик ва қувонч бахш этишини истаймиз.

Азиз фахрийларимиз ҳамиша соғ бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин. Сизлар ҳамиша бизнинг эътиборимиздасиз. Сизлар тўплаган тажрибани ва шонли анъаналарни сўзсиз сақлаб қоламиз. Уларни бугун ва эртага сизларнинг фахрли ишингизни давом эттирадиган кишиларга етказамиз.

(ЎзА).

• *Шоирлар ижодидан*

НАЗАРМАТ

ЖАНГЧИ ЎЙЛАРИ

Берлиндан ёв шарққа бошлаган юриш
Охири ўзига қайтиб келганди,
Шарқли жангчи йўлда, тўхтаган уруш,
Милтиғин қўлдан елкага олганди.
У шарққа қаради, қуёш чиқмоқда,
Нурлардан сўради олис диёрни.
Эй, қуёш оламнинг шаъми анвари,
Кўрдингми элимдай ҳаёт баҳорин.
Кўрдингми ўзга бир шундай чаманзор,
Шан ҳаёт макони бўлган бўстонни?
Кўрдингми халқи мард, ҳар ишга қодир,
Бахтиёр, забардаст, марди майдонни.
Йўқ! Сира кўрмадинг хонаи хуршид,
Кенг, саҳий юртимдай ўзга маконни.
Азалдан нур сочиб кўрмагансан ҳеч,
Элимдай ерлари гулшан жаҳонни.
Урушнинг ўтида тобланди таним,
Манзилим чўзилди жанггоҳлар оша,
Меҳримни банд этиб ҳардам Ватаним,
У билан тинч нафас олгум ҳамиша.
Жанг бизни келтирди узоқ Берлинга,
Бу макон қўйнидан борганди душман.
Беҳисоб қурбонлар элтди элимга,
Фидойи мардларин унутмас Ватан.

1945 йил, Берлин.

СИР БЎЙИДА ГУЛХАН ЁНАДИ

Сир бўйида гулхан ёнади,
Бошин эгган оловга она.
Шаҳид ўғлин ёдга олади,
Жудоликдан юраги ёна.
Елкасига ташланган рўмол,
Қадди букик соғинч хаёлдан.
Кўрар ўғлин руҳини алҳол,
Мангу ёнган дардли оловдан.
Келар дилга келин тимсоли,
Ёр жамолин кўролмаганлар,
Унашилиб, никоҳ маҳали
Чимилдиққа киролмаганлар.
Кута-кута ўтиб кўп йиллар,
Ғариб уйда мард ёди қолган.
Тумор бўлиб сўнгги хат-хабар,
Унда севги фарёди қолган.
Она чиқар уйидан ёлғиз,
Йўлин кутар фарзандин ҳамон,
Ёнда турар унашилган қиз,
Йиллар ўтиб, ғариб, ногирон.
Хоҳи ғолиб, хоҳи мағлублар
Жангларидан тарих ёзилар.
Гулханларда жангчи шаҳидлар
Ёдлари шу тарих ёзилар.
Сир бўйида гулхан ёнади,
Бошин эгган оловга она,
Шаҳид ўғлин ёдга олади,
Жудоликдан юраги ёна.

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИШИНГ ЛОЗИМ

Буюк жангда қучдик зафар-шон,
Аямадик Ватан учун жон.
Шу тупроққа сингди юрак, қон,
Не йигитлар бўлдилар қурбон.
Қилиб улар қабрига таъзим,
Гулчамбарлар қўйишинг лозим.

Бири эди ўн саккиз ёшда,
Кўнгли эди бир қалам қошда.
Севги, вафо эди синашда,
Эл-юрт учун ёнди оташда.
Қилиб унинг қабрига таъзим,
Гулчамбарлар қўйишинг лозим.

Юртимизда ўт қўйганда ёв,
Қўлга олиб қурол ва ялов,
Ёвга қарши бўлдик тоғдек ғов:
Ўчирди-я оловни олов...
Ўт юраклар қабрига таъзим,
Қилиб ҳамон эслашинг лозим,

Бири Ватан осмонида жанг
Қилиб қузғун ҳолин этди танг.
Сўнг... асаби тортилиб таранг,
Эҳ, ўзи ҳам қулади аттанг...
Қилиб унинг қабрига таъзим,
Гулчамбарлар қўйишинг лозим.

Бири сўзиб мовий денгизда,
Мурдор фашист қонини тўкди.
Даҳшатли жанг қизиган кезда,
Бири Волга тубига чўкди.
Қилиб унинг қабрига таъзим,
Гулчамбарлар қўйишинг лозим.

Ҳар баҳорда майса гиёҳдай,
Термулишар унсиз нигоҳдай.
Мен эсласам дардли бир оҳдай,
Қалбим чулғар қайғу сиёҳдай.
Қилиб улар қабрига таъзим,
Гулчамбарлар қўйишинг лозим.

Она-Ватан, муқаддас тупроқ,
Обод шаҳар, яшнаган қишлоқ.
Ҳар гўшада порлаган чироқ,
Мардлар руҳин пок сақлагай, пок.
Қилиб улар қабрига таъзим,
Гулчамбарлар қўйишинг лозим.

Кетди сафдан не-не азамат,
Дилда очиб битмас жароҳат.
Дейман ҳар вақт, ҳар дам, ҳар соат,
— Отинг ўчсин, уруш, қабоҳат!

Арслон УМАРОВ,
Бўка тумани.

ДЎСТЛИГИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ

...1944 йил 9 октябрь. Қисмимиз Литва билан Шарқий Пруссия чегарасидаги Шешупа дарёси қирғоғида ўт очиш позициясини эгаллаган. Бўкалик дўстим Мажид Умаров радист бўлганлиги учун биздан олдинда — батерея командирининг кузатув пунктида бўлар эди. Мен тўпим ёнида ўтирган пайтимда Мажид пайдо бўлиб қолди. Суришгирсам мудофаада турганлигимиз туфайли ўрмон ичида вақтинча жиҳозланган ҳаммомда ювиниш учун келган экан.

Уруш шароитида баъзан масалани лаҳза ҳал қилади. Биродарим ҳаммомдан қайтгунча мен ўнг қўлимдан ярадор бўлиб қолдим. Рўй берган воқеадан Мажиднинг дили оғриди.

Биз бир неча соат суҳбатлашиб сўнг кўз ёши билан хайрлашдик: дўстим қолди, мен госпиталга жўнаб кетдим. Кейинчалик 1944 йил 15 октябрида Добленджен-Нетернаукен аҳоли пункти яқинида фашистлар билан бўлган жангларда алоҳида жасорат кўрсатган Мажид Умаров «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланганлигини эшитдим.

Мажид Умаров 1945 йил март ойида урушдан қайтиб келди. Шундан буён кўп йиллар давомида Бўка туманида турли лавозимларда ишлади.

Қуролдош дўстларимдан яна бири фронтга туманимизнинг Кориз қишлоғидан жўнаган Аҳмадали Насруллаев эди. 1944 йил 5 август куни Литванинг Франциканбуда қишлоғи яқинида мардларча ҳалок бўлди. Аҳмадали қатъий фикрли, иродали, мулоҳазали, ёқимтой йигит эди. Шунинг учун ҳам батареямиздаги жангчиларнинг ҳаммаси уни жон-дилдан яхши кўриб қолишган эди. А. Насруллаев ҳалок бўлишидан бир ҳафта илгари «Жасурлиги учун» медали биларн мукофотланган эди.

Мен командир бўлган тўп расчети жангчилари ҳам бўш келишмади. Жанглар билан газандалар уяси — Берлингача етиб бордим. Рейхстагга 2 километрча масофа қолганда яраланиб, госпиталда даволандим. Даволаниб чиққач, хизматни давом эттириб, 1945 йил ноябрь ойида туғилган юртим Пискентга қайтиб келдим.

Уруш йиллари чустлик бир йигит билан ҳам яхши таниш бўлиб қолган эдик. Шарқий Пруссия чегарасигача бирга жанг қилиб бориб, Литвада ярадор бўлиб, бир-биримиздан ажралишиб кетгандик. Ҳарбий архив ҳужжатларини ўрганиш чоғида чустли кузатувчи разведкачи Ражаббой Раҳимовнинг ҳам «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланганлигидан хабар топдим.

Чуст тумани раҳбарлари ёрдамида Ражаббой билан топишдик. У кўп йиллар атлас фабрикасида электрчи сифатида меҳнат қилиб, эндиликда қарилик гаштини сурмоқда. Биродарим умр йўлдоши билан 9 фарзанднинг ота-онаси.

Бўкалик дўстим Мажид Умаров иккаламиз оиламиз билан Ражаббой Раҳимовникига меҳмон бўлиб бордик. Шу-шу уч фронтдош дўстлар оилавий борди-келди қиламиз.

Жангларда тобланган, қон билан мустаҳкамланган дўстлигимиз абадий давом этади.

Мажид САМАДОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

«ВАТАН МЕҲРИ БИЛАН ЯШАЙМАН»

Буюк Ғалабанинг 50 йиллик байрам муносабати билан турли тадбирлар, уруш фахрийлари билан мулоқотлар ўтказиляпти. Биз уруш қатнашчиси, ёзувчи Суннатулла Анорбоев билан суҳбатлашдик.

— Уруш бошланган ўша мудҳиш кунни қандай хотирлайсиз?

— Ўша кезларда Тошкент педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқир эдим. Эндигина ёзги имтиҳонлар бошланган пайт кечаси билан дарс тайёрлаб, толиқиб, ухлаб қолган эканман. Бирдан тапир-тупир оёқ товушларидан уйғониб кетдим.

Ётоқхонанинг учинчи қаватида турар эдик. Қарасам, барча талабалар югуриб пастга тушиб кетяпти. Мен ҳам эргашдим. Ҳамма ётоқхона олдидаги майдонда тўпланаётган экан. Уруш бошланганини шу ерда эшитдик. Шунда хаёлимга имтиҳон нима бўлади, деган фикр келибди. Чунки, у лайтларда урушни унчалик тасаввур эта олмас эдим. Лекин унинг нақадар даҳшатли эканини кейинчалик тўла ҳис этдик.

... Мен армияга қирқ иккинчи йилда олиндим. Мени талаба, ўқимишли деб, полк мактабига — кичик командирлар тайёрлаш курсига жўнатишди. Бу мактаб Фарғонада экан. Битиргач эса, шу ерда бир ‘мунча вақт курсантларни ўқитиб юрдим. Фронтга кечроқ жўнадик.

Кетиш олдидан урф-одатимизга кўра онам ҳеч қачон туғилган Ватанингдан, ризқ-насибангдан айирмасин, илойим, деб нон тишлатгани, кўзларида халқа-халқа ёш билан кузатиб қолгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Урушнинг энг даҳшатли қозонларида қайнаганимизда ҳам, ана шу воқеа доим менга мададкор бўлди.

— Биринчи марта қаерда жангга киргандингиз?

— Дивизиямиз Украинанинг шимолидаги Чернигов шаҳрида жанг бошлади. Мен 207-ўқчи полкнинг тўпчилар батареясида тўп командири бўлиб хизмат қилдим. Польша, Варшавани озод этишдаги шиддатли жангларда қатнашдим. Висла дарёсидан кечиб ўтиб, фалокатлар эгаллаб олган Помираниянга кирдик. Турень деган катта порт шаҳри учун бўлган жангларда дивизиямиз катта талофат кўрди. Чунки, жуда мустаҳкамланган душман ҳарбий дарё флотини ишдан чиқариш анча мушкул кечди. Шаҳар четида ҳарбий асирлар лагери бор экан.

Биринчи навбатда асирларни озодликка чиқардик. У ерда турли миллат вакиллари орасида мен бир юртдошимизни учратдим. Худди девонадек бўлиб қолган, ўзича «Фарғонада ёрни ойнадан кўринг» қўшиғини айтиб келарди. Шунда биринчи марта бепоён Ўзбекистон далалари, бутун-бутун оламга алишмайдиган юртимга эсонмон қайтиш насиб этармикин, деган ўй хаёлимдан ўтди. Кўнглим орзиқиб кетди.

— Ғалабани қаерда кутиб олдингиз?

— Энг охирги жангим 1945 йил 3 мартда бўлди. Берлинга 75 км қолганда гоҳ фашистлар устунлик қилди, гоҳ биз. Шу куни эрта тонгдан то шомгача даҳшатли жанг бўлди. Ярим кечада оёғимдан қаттиқ яраландим. Дастлаб Польшанинг Познань шаҳрида, сўнгра Украинанинг Люботин шаҳарчасидаги госпиталда даволандим.

Ғалабани шу ерда кутиб олдим. 1945 йил 9 май куни эрталаб ҳамшира ҳаяжон ила йиғлаб ҳаммани уйғотиб юборди. Маълум бўлишича, уруш тугабди. Шунча бало-қазоларни бошимизга солган душман тавбасига таяниб, таслим бўлибди. Ярадор ҳолда ётган бўлсам-да, мен учун ҳаёт қайтадан бошлангандек эди. Тузалиб чиққач, бир оз муддат уруш оқибатларини тугатишда қатнашдик, Украинанинг Чугуев шаҳри яқинида ишладик. Кейинчалик эса, жонажон Ўзбекистонимга қайтиб келдим. Ноябрь ойида қайтган бўлсам, қишдаёқ ўқишимни давом эттиришга киришдим.

— Уруш хотиралари ижодингизга қандай таъсир этди?

— Ўқишни тугатгач, иш фаолиятимни «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Шарқ юлдузи» журнали, бир қанча нашриётларда давом эттирдим.

Турли мавзуларда қўлдан келганча роман ва қиссалар, очерклар, ҳикоялар ёздим. Ижодни эса ёшлигимдан бошлаганман. Аввалига шеърлар машқ қилиб юрардим. Умуман олганда, уруш ижодимга жуда катта таъсир қилди. Хали ҳам биз билан бирга қон кечиб жанг қилган, уйларига қайтиш насиб қилган ва қилмаганлар — шаҳид кетганлар ҳақида асарлар яратиш ишқи билан яшайман.

— Мустақил Ватанимизни ҳимоя қилаётган ҳозирги ёшларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Юртимизнинг мард ўғлонлари — ҳимоячилари билан фахрланаман.

Зеро, мустақиллигимиз, Ватанимиз тақдири ҳар биримиз учун азиз. Тилагим шуки, барчамиз доимо Ватан меҳри билан яшайлик. Унинг ҳар бир қарич тупроғи азиз ва муҳтабар эканлигини ҳар он ҳис этиб турайлик. Бу кунлар орзусида ҳаётдан кўз юмган азиз ватандошларимиз, қондош ва жондошларимиз учун ҳам яшашимиз, тинмай изланишимиз, бурчимизни сидқидилдан, виждонан ҳис этиб, адо этишимиз керак. Доимо юксак мақсадлар ҳамроҳимиз бўлсин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, Сизни ҳам буюк Ғалаба байрами билан табриклаймиз. Узоқ йиллар ёшларимизнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб юринг.

ЎзА мухбири Анвар ХУДОЙҚУЛОВ суҳбатлашди.

ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

ПИСКЕНТ. Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида уруш фахрийлари электр энергиясидан, табиий газ, ичимлик сувдан бепул фойдаланиш билан бир қаторда дорихоналардан ҳам ўзлари учун керакли дориларни олиш ҳуқуқларига эга бўлдилар.

Тумандаги 2-ўрта мактабда пискентлик жангчи Мурод Пулатовнинг уй-музейи очилди. Мактаб ҳовлисига унга ёдгорлик ўрнатилади. Навоий номли жамоа хўжалигида бир гектарлик «Фахрийлар боғи» барпо қилинди. Байрам арафасида «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигида ва «Бекобод», Хамза маҳаллаларида қурилган чойхоналар қарияларга хизмат кўрсата бошлади.

М. МИРҚОБИЛОВ,
Пискент тумани уруш ва меҳнат фахрийлар уюшмаси раиси.

Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан урушга жўнаган 234 нафар аскарга она юртга қайтиш насиб этмади. Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида жамоа хўжалиги марказида ҳамқишлоқлар хотирасини абадийлаштирувчи ёдгорлик очилди. Уни қисқа муддат — 27 кун ичида жамоа хўжалигининг таъмирлаш қурилиш бригадаси қуриб битказди.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Ийд ул-Қурбон муборак!

МУКАРРАМ АЙЁМ

БУГУН — арафа. Мусулмон оламининг энг нуфузли байрамларидан бири — Ийд ул-Кабир ёки Ийд ул-адҳа кириб келмоқда. Эртага илк саҳардан бошлаб, бутун аҳли ислом Оллоҳнинг бу муборак айёмини шоду ҳуррамлик, мамнунлик, ризолик ва шукроналик билан нишонлайди. Ийд ул-Кабир икки диний байрамимизнинг энг каттасидир. Шу боис биз Тошкент вилоятининг бош имом-хатиби Ориф ЙЎЛДОШЕВ ҳазратлари билан мулоқотда бўлдик.

— Ассалому алайкум! Уҳанниикум бил Ийд ул-Кабир — сизни ва сиз орқали вилоятимиздаги барча мусулмон биродарларимизни кириб келаётган Қурбон ҳайити билан муборакбод этамиз. Ҳазрат, Қурбон ҳайити ҳақида қисқача тушунча берсангиз?

— Бисмиллоҳирроҳманирроҳийм... Ва анта биҳийрсизга ҳам хайрли бўлсин... Аҳли исломга бир йил ичида икки ийд куни бордир. Бириси — ийди фитр, иккинчиси — ийди қурбон деб аталур. Қурбон ҳайити ҳаж сафари ва қурбонлик қилиш маросимлари билан боғлиқ маъракадир. У хижрий зулҳижжа ойининг 10-13 кунларида байрам қилинади. Қурбонлик арабча сўз бўлиб, яқинлик, Оллоҳга яқинлашув деган маъноларни англатади.

— Қурбонлик ибдитоси қачондан бошланган?

— Қуръонул Каримнинг 37-«Вассаффот» сурасида баён қилинишича, Иброҳим алайҳиссалом туш кўрадилар ва тушларида Оллоҳ таоло унга ўғиллари Исмоилни қурбон қилишга буюради. Иброҳим алайҳиссалом ўз тушини мушоҳада қилиб, кўп ўй-фикрларга боради. Бу кун-тарвия куни деб аталади. Эртасига у тушининг бутун моҳиятини англаб етади ва ўз ўғлини қурбон қилишликка ҳозир бўлади. Бу кун-арафа деб юритилади. Индинига у фармонни амалга оширишга киришади. Бояги сурадаги Оллоҳ ваҳийсида шундай дейилади: «Бас, қачонки, иккиси ҳам (Оллоҳнинг ваҳийсига) бўйсуниб (энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) пешонаси билан (ерга) ётқизган эди-ки, биз унга нидо қилдик: «Эй, Иброҳим, дарҳақиқат сен (кўрган) тушингни рост — бажо қилдинг. Албатта, биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Албатта, бу очиқ-равшан имтиҳондир, холос. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир қўчқор сўйишни-қурбонликни эваз қилиб бердик (яъни жаннатдан туширдик)». Иброҳим пайғамбар Исмоилни бўғизлайман деб чоғланганда Жабройил алайҳиссалом бунга йўл қўймадилар. Фарзанд ўрнига қўйни қурбон қилмакликка буюрди. Иброҳим алайҳиссалом ўн уч яшар ўғлини озод қилиб, унинг ўрнига қўчқорни бўғизладилар. Демак, қурбонлик қилмоқ аҳли исломга Иброҳим алайҳиссаломдан мерос бўлиб қолган амалдир.

— Қурбонлик ҳамма учун шартми? Қандай ҳайвонлар қурбонликка ярайди?

— Қурбонлик қодир киши учун вожибдир. Қурбонлик Ийди қурбон куни ҳайит намози ўқилганидан сўнг сўйилур.

Ўн биринчи, ўн иккинчи зулҳижжада сўйилса ҳам бўлади. Кейин дуруст бўлмас. Қурбонликни кечаси сўймак макруҳдир. Қўй, эчки, сигир, туя каби туёғи ёриқ ҳайвонлар қурбонликка яровчи ҳисобланадилар. Товуқ, ғоз, отга ўхшаш ҳайвонлардан қурбонлик қилмак яхши эмас. Қурбонлик қилган киши барча гўштни фақирларга улушур, зиёфат қилур, қоларса, ўзининг аҳли оиласига едирур. Қурбонлик қилинадиган қўй, эчки камида бир яшар, сигир ё хўкиз икки яшар, туя эса беш яшар бўлмоғи лозим.

— Ийд ул-қурбон байрами ҳаж маросими билан узвий боғликдир. Бу ҳақда нималар дейиш мумкин?

— Дину исломда фарз бўлган амаллардан бешинчиси Маккаи мукаррамага бориб, ҳаж қилмақдур. Оқил, болиғ, тўрт мучаси саломат, йўл ҳаражати ҳамда уйдаги аҳли оиласига кифоя қилгулик моли бўлган кишига фарз эрур. Аёллар ҳажга ёлғиз ўзи бормас, ўзи билан эри ёҳуд бирор маҳрам қариндоши бўлмоғи керак. Бир киши умри ичида бир марта ҳаж қилмаги фарздур, иккинчи бор ҳаж қилмаклик эса нафли ибодат бўлур.

— Ҳаж амалларига нималар киради?

— Маккаи мукаррамага етмасдан Миқот дейиладиган жойлар бор. Ўшал жойларнинг бирида ҳажга борувчилар иҳром қилурлар. Иҳром қилишда мўйлабларини қисқартирадилар, тирноқларини оладилар, одатий либосларини ечадилар, сўнг ғусл қилиб, иҳром либосларини киядилар. Иҳром либослари икки бўлакдир. Бириси — изор, бошқаси ридо деб аталур. Ридо белдан юқори, изор белдан қуйи бўлур. Сўнгра икки ракъат нафл намози ўқилиб, ҳаж ниятини қилурлар. Кейин талбия айтурлар. Шу аснодан улар ҳаж амалига дохил бўлиб, ихромдан чиққунча муҳрим яъни ихромлик киши деб аталурлар. Улар муҳрим ҳолида Маккаи мукаррамага борурлар. Муҳрим киши беодоб сўзламакдан, гуноҳ ишлар қилмоқдан, урушмоқдан сақланади. Бирон ҳайвонни ўлдирмайди, игна билан тикилган либос киймайди, бошига салла, қалпоқ ёҳуд дўппи, оёғига махси, пайпоқ киймайди, юз-бошини бирор нарса билан беркитмайди, хушбўй нарса суртмайди. Тирноқ, соч ва бошқа мўйларини олдирмайди, соч-соқолларини тарамайди. Талбия ўқиладирган ерларда фақат талбия айтади. Муҳрим ейиши, ичиши, ухлаши, таҳорат, ғусл қилиши, шамсия ила сояланиши, оёғига қисқа юзли калиш кийиши мумкин, холос. Аёллар иҳром либоси киймайдилар. Ўз либосларида юрурлар, игна билан тикилган либослардан ҳам фойдаланадилар, бошлари очиқ бўлмас, талбияни махфий айтурлар, ихромдан чиққач, сочларини олдирмаслар.

— Ҳожилар Маккаи мукаррамага доҳил бўлганда на қилурлар?

— Тўғри Каъба масжидига борурлар, Каъбаи муаззамни кўрган он такбир ва талбия айтурлар. Ҳажар ул-асвад исмли муборак тошни ўпиб баракатланурлар. Каъбани етти марта айланиб, суннат бўлган тавофни адо қилурлар. Сўнг Замзам шарифга бориб, сув ичадилар, бошларига, юзларига, баданларига сепадилар. Кейин масжиддан чиқиб, Сафо ва Марва деган жойлар орасида юриб, саъй қилурлар. Сўнгра зул-ҳижжанинг саккизинчи кунигача бошқа муборак жойларни зиёрат этурлар. Кейин барча ҳожилар Мино деган қишлоққа, тўққизинчи куни эса Арофот тоғига борадилар. Офтоб ботгач Муздалифа деган жойга бориб шом ва хуфтон намозларини ўқирлар. Тонг оқаргач яна Минога бориб, етти марта жамра тошларини отурлар. Кейин сочларини олдириб ёки қисқа қилдириб, Маккаи мукаррамага қайтурлар ва тавофи фарзни адо қилиб, эҳромдан тамом чиқурлар ҳамда ўзларининг расмий либосларини киюрлар. Иложи бўлса, намози ийдни ўқурлар. Лозим қурбонликларини бажарурлар. Ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи кунлари махсус жойларда яна жамра тошларини отурлар. Кейин яна Маккаи мукаррамага қайтиб, тавофи видоъ қилурлар ва хонаи Каъбага юз ўгирган ҳолда орқалари ила ичкаридан чиқурлар. Шу тариқа улар ўз мамлакатларига қайтмоққа тайёр бўладилар. Амали мустаҳаб яъни Мадинаи мунавварага бориб, Расулуллоҳ алайҳи вассаламнинг қабри шарифларини зиёрат қилмоқни истаганлар бу ишни ҳам ниҳоясига етказурлар. Ҳаж амаллари асосан шулардир. Тўлиқ тафсилотлар эса муайян манбаларда бор. Уни муштарийлар бемалол ўқиб, ўрганиб олишлари мумкин.

— Ҳа, холис ниятлар билан бу амалларни адо этмоқликда буюк савоблар мавжуддир. Бу кунларга етганимиз учун Оллоҳ таоло субҳанаҳуга минг бора шукроналар айтсак ҳам озлик қилур.

— Астароқ айтасизми... Оллоҳнинг каромати, мустақиллигимиз шарофати ила яна ҳаж қилиш ва ийд намозларини ўқиш имкониятларига эга бўлдик. Бу йил республикамиздан уч мингга яқин, вилоятимиздан 151 нафар киши Маккаи мукаррамага йўл олдилар. Эртага барвақт Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида минг-минглаб кишилар хайит намозига чиқадилар. Улар очиқ чеҳра ва хурсандчилик билан бир-бирларини ийди қурбон билан табриклайдилар. Ёшу -қари, аёлу-эркак — барча юртдошларимизнинг дилларидаги худода, қўллари дуода бўлади. Улар оллоҳдан бир-бирларига саҳиҳ нажоҳатлар ва тавфиқлар, юртдошимизга эса мумтоз сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва улуғвор фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайдилар. Бунга иймоним комил...

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуҳ...

— Шукран жазилан — катта раҳмат!..

Суҳбатдош Р. УМАРОВ.

Галабанинг 50 йиллиги

ҚАҲРАМОНЛАР «УФҚ»ДА ЯШАЙДИЛАР

ҲАМЗА номидаги ўзбек давлат академик драма театри ижодий жамоаси Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Саид Аҳмад асари асосида «Уфқ» номли янги спектакль тайёрлади. Уруш фожеаси ва инсон тақдири мавзуси чуқур драматизм асосида очиб берилган бу спектакль асар тақдимотида театршунос мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Уларнинг фикрича, «Уфқ» «Ҳамза»да кейинги вақтда яратилган энг бақувват, саҳнада узоқ яшаб қоладиган сара асарлардан бири бўлди. Сценарий муаллифи — Саид Аҳмад. Режиссёр — Олимжон Салимов. Бош ролларни Ёқуб Аҳмедов, Тўти Юсупова, Тоҳир Саидов, Обид Юнусов, Фатҳулла Маъсудов, Дилбар Икромова, Турғун Хонтўраев ва бошқалар ижро этмоқдалар.

УРУШНИНГ номи азалдан — қора! Унинг қўлидан келгани-инсоният бошига азоб-уқубат-у, оғир кулфатлар ёғдириш!.. Етаклагани — ажал!... Чанқоғини бостириш учун излагани — кўз ёш!. .Қарийб беш йил давом этган қирғин-барот уруши ҳам нене тинч элатларнинг кўнглини вайрон, умрини ҳазон қилмади, дейсиз?! Отани — жигаридан, жангчини — диёридан, келинчакни ёридан айирди бу уруш! Оналарнинг оҳидан ларзага келган ер-само ҳали-ҳануз ўзига келгани йўқ... Энг сара йигитларини жангга кузатиб, фронт ортида ғалаба учун жон фидо қилган ўзбек халқининг жасоратли ҳаёти, мислсиз уқубатлари, инсон фожеаси «Уфқ» асари орқали эллик йилдан сўнг Тошкентда кўриниш берди гўё. Саҳнада актёр йўқ! У ерда — урушдан оёқсиз қайтиб келиб ҳам азоблари тугамаган, ёлғиз ўғлининг қилмишидан шамдек сўнган Икром бор! У ерда — тирик боласини бағрига босолмаган, ўғлим омон, деб бировларга айтолмаган, урушни қарғаб, ҳадикда яшаб охир-оқибат ўлим топган Жаннат ая бор! Биттагина гуноҳ учун мингта жазога гирифтор бўлган Турсунбой — қочоқ фожеаси хоинларни бағрига сиғдира олмайдиган мард ва матонатли ўзбек халқининг нозик талқинидир! Саҳнада ялт этиб пайдо бўладиган кучли юмор кўринишлари ҳам аслида кулдирмайди — йиғлатади, ўйлатади... Умуман, бу асарни ҳаяжонсиз кўриш мумкин эмас.

Биз асар тақдимоти бошланиши арафасида бир неча ижодкорлар ва асар муаллифлари билан суҳбатлашдик. Хўш, уларнинг асар хусусидаги фикрлари қандай?

ТЕАТР ЧИРОҚЛАРИ ЁНГАНДА

Мухсин ҚОДИРОВ (санъатшунос): — Илгари бирор муносабат билан асарлар қўйиларди-ю, сана ўтиб бўлгач, унутиларди. Тўғрисини айтсам, «Ҳамза»да Ғалабага бағишлаб асар саҳналаштирилаётган экан, деган гапни эшитганимда менда «бу ҳам ўшанақа зўрма-зўраки нарса бўлиб қолмасмикин», деган истиҳола бор эди. Спектаклни кўргач, бу ҳадик тумандай тарқаб кетди. Ҳатто танқидчи сифатида асарда бирор кўпол камчилик тополмаганимдан ўзим ҳам ажабланиб ўтирибман. Лекин техник жиҳатдан йўл қўйилган баъзи жузъий нуқсонларни йўл-йўлакай тузатса бўлади. Режиссёр ролларга муносиб ижрочиларни танлай билганки, уларнинг маҳорати туфайли «Уфқ» театр саҳнасида узоқ яшашига ишончим комил. Театр жамоасини, шунингдек, томошабинларни янги ва бақувват асар билан табриклайман.

Саид АҲМАД: — Менинг асарларим кино қилинганда ёҳуд театрда ўйналганда кўпинча залдан дилим хуфтон бўлиб чиқиб кетганман. Мен буни очиқ айтаман. Чунки «Ҳамза»даги бугунги «Уфқ»дан муаллиф сифатида тўла қониқиш ҳосил қилдим. Бахтимга яхши режиссёр учради. Олимжон спектаклни бир ой ичида меъёрига етказиб, ўзининг нимага қодирлигини кўрсатди. Композитор Анвар Эргашев жуда ажойиб мусиқалар танлаган. Ёқуб Аҳмедов ва Тўтихон бош ролларни қойил қилиб ўйнаб қўйишган. Бошқа ижрочилар ҳам ўз қаҳрамонларини чиройли талқин қилишди. Умуман олганда уларнинг меҳнатига «гап йўқ!»

Тўти ЮСУПОВА:— «Уфқ» саҳналаштирилишидан хабарим бўлса-да, менга роль тегиш-тегмаслигини ҳали билмасдим. Аммо асардаги она — Жаннат ая образи менинг ҳаёлимни шундай банд қилган эди-ки, тақсимотда шу ролни менга беришларини ўзим сўрадим. Чунки жафокаш оналар тақдирини, дардини саҳна орқали кўрсатишга ўзимда эҳтиёж сездим. Ниятимга етганимдан хурсандман. Илоҳим, аёллар кўрган у азоб-уқубатларни, аламларни бошқа ҳеч қачон кўрмайлик.

УМУМАН, янги асар ҳақида яна кўплаб фикрлар билдириш, мунозаралар юритиш мумкин. Лекин халқимизда минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Марҳамат, «Ҳамза» театри томошахонаси мухлислар учун ҳамма вақт очиқ.

З.ЭРАЛИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• Суратда: спектаклдан бир кўриниш.
С.МАҲКАМОВ сурати.

ОНАХОНЛАР ШАРАФЛАНДИ

Қибрай тумани ҳокимлиги уруш йиллари фронт ортида фидокорлик кўрсатган, жанггоҳларда ҳамширалик қилиб аскарлар дардига малҳам бўлган онахонларни Чирчиқ дарёси ёқасида жойлашган ором-гоҳга таклиф қилди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилганларга «Шалола» ашула ва рақс ансамбли хушовоз хонандалари Матлуба Дадабоева, Маҳамаджон Абдуллаевлар маданий хизмат кўрсатдилар.

— Бугун сизларни бу гўшага чақириб меҳмон қилар эканмиз, — деди байрам иштирокчиларини қутлаб туман ҳокими А. Йўлчиев, — фронтларда қаҳрамонларча жон берган 4 мингга яқин қибрайлик аскарларнинг ҳам руҳи шод бўлади, деб ўйлаймиз.

Йиғин сўнггида байрам совғалари ва жангда қатнашган 16 нафар онахонга Ғалабанинг 50 йиллиги юбилей медали тантана билан топширилди.

А. РАИМОВ.

ТАЪЗИМ БАЖО ҚИЛИШДИ

ЎТГАН пайшанба куни вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари, вилоятнинг узоқ-яқин шаҳар ва туманларидан келган ёсойишталик посбонлари, уруш ва меҳнат фахрийлари хизмат вазифасини адо этаётган пайтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамкасблари хотирасини ёд этиб, «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйдилар.

— Шу пайтгача ёдгорлик деворига жиноятчиларга қарши курашда жон фидо этган ўттиз нафар мард ўғлонларнинг исм-шарифлари битилган эди, — деди маросимни очаётиб вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги О. Жалилов. — Бу йил улар қаторига яна олти нафар мард ўғлоннинг исмлари қўшилди. Улар хизмат вазифасини адо этаётган пайтларида жиноятчилар ўқидан ҳалок бўлдилар. Улар — Ж. Назиров, А. Тошпўлатов, И. Ҳамидов, Ж. Ибрагимов, У. Толипов, К. Тўлаганов. Халқимиз ўзининг бу жасоратли ва мард фарзандлари номини абадий унутмайди.

Маросим сўнггида уруш ва меҳнат фахрийлари, ички ишлар ходимлари ҳалок бўлган ҳамкасблари хотирасини ёд этиб, таъзим бажо келтиришди. Шу куни «Мотамсаро она» пойи гулдаста ва гулчамбарларга кўмилди.

***

ШУ КУНИ вилоят ИИБ «Дўрмон» жамоа хўжалиги боғида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан байрам шодиёнасини ўтказди. Вилоятнинг турли худудларидан ташриф буюрган собиқ милиция ходимлари, уруш фахрийлари, нафақадор отахон ва онахонлар давра тўридан жой олдилар. Вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги О. Жалилов тантанали тарзда 225 нафар уруш фахрийларига Ғалабанинг 50 йиллиги юбилей медалларини топширди.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БЎКАЛИКЛАРНИНГ БАЙРАМ САЁҲАТИ

Бўка тумани ҳокимлиги 400 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари учун пойтахт Тошкент шаҳри бўйлаб байрам саёҳати ташкил этди. Саёҳат Мустақиллик майдонидаги Номаълум аскар қабрига анвойи гуллар қўйиш билан бошланди. Сўнгра Собир Раҳимов номли оталар чойхонасида уларга байрам дастурхони ёзилди. Бир пиёла чой устида М. Хайитбоев, Б. Кўчқоров, Қ. Маҳатов каби бир қатор уруш қатнашчилари ўша оловли йилларни эслаб бугунги кунларга етиб келмаган қурдошларини хотирладилар. Ҳозирги тинч, осойишталикнинг нечоғлик қадрига етиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Таниқли хонанда Маҳмуджон Азимов бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар фахрийлар хизматида бўлдилар.

Бўкалик меҳмонлар Ҳамза номли театрда «Уфқ» спектаклини томоша қилдилар..

Э. ЙЎЛДОШЕВ.

МАКТАБДА СЕРФАЙЗ КЕЧА

Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлимига қарашли 298-ўрта мактаб ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Юртимиз истиқлолининг илк куни очилган ўқув маскани инглиз тилига ихтисослашган. Ўқувчилар 1-синфдан бошлаб чет тили ўқийдилар. Бўлажак Олимпия чемпионлари ҳам шу ерда тайёргарлик машқлари олиб борадилар. 1266 ўринли мазкур билим даргоҳида Чиғатой —Дарвоза ва Чустий номли маҳаллаларнинг фарзандлари таълим олмоқдалар.

Айни кунларда мактабда Ғалаба байрами тантаналари бошланиб кетди. Байрам юқорида саналган маҳаллалар жамоаси билан ҳамкорликда нишонланмоқда.

— Байрам дастуримиз ўзбек, рус ва инглиз тилида олиб борилади, — деб ҳикоя қилади мактаб директори, ҳиндшунос Ш. Азимов. — Уни ўқув-тарбия ишлари бўйича директор муовини Маъмура Маҳкамова тайёрлаган. Тадбирга уруш фахрийлари, бир қатор санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар таклиф этилган. Жумладан Ҳамза номли театрнинг актёрлари Зикир Муҳаммаджонов, Турғун Азизов, таниқли санъаткор Коммуна Исмоилова, шоирлардан Зоҳиджон Обидов, Умида Абдуазимова, Гулчеҳра Нуруллаевалар ўқувчилар меҳмони бўлади.

А.РАИМОВ.

Футбол

• ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Чилонзор» ўйингоҳида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Бунда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг 16 ёшгача бўлган ёш футболчилари беллашдилар. Ватандошларимиз учта ўйин ўтказиб, барчасида ғолиб келишди ва турнир ғолиби бўлдилар. Улар рақиблар дарвозасига 8 та тўп киритиб ўз дарвозаларидан атиги битта тўп ўтказиб юбордилар.

Суратда: халқаро турнир учрашувидан лавҳа.

А. МАМАДАМИНОВ сурати.

ЭЪЛОНЛАР

«КРИСТАЛЛ» ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИ

пул ўтказиш йўли билан
— «ихота» металл тўрлар, 20x20, 30x30, 50x50 мм. катталикдаги катакчалар;
— 20 литрли алюмин канистрлар;
— 100, 200 литрли металл бочкалар;
— кўндаланг кесими 30 см. бўлган оқ-қора тасвирли «Семурғ» телевизорлари;
— кўндаланг кесими 34 см. бўлган «Айва» моноблокларини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

шунингдек, нақд пулга
— рулонлардаги юмшоқ мебелларни қоплаш учун ишлатиладиган (Франция-Россия маҳсулотлари) сунъий чармларни

СОТАДИ

Телефонлар: (3712) 91-36-86 кундуз куни, 92-29-35 кечқурун телефон қилинсин.

«ИЗРОСЕЦМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Нусха кўчириладиган, перфорланган ёзув қоғозлари, крафт, ёруғликка сезгир газета қоғозлари, ватман, картон, муқовабоп фергамент, калька, шилдироқ миллиметровка, бумвинил (коленкор), ўров А3, А4 форматлардаги (оқ ва кул ранг) ёзув қоғозларини; шунингдек, учламчи узатгичлар, креслолар, осма ва ўйма қулфлар, суғориш учун тебранма насосларни

СОТАДИ

Тошкентдаги телефонлар:33-52-38; 32-56-38.
Бизнинг манзилгоҳ: Буюк Турон кўчаси, 41- уй («Шарқ» концерни маъмурий биносининг 16-қаватн).
Ички телефонлар: 56-38; 59-09.
Ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларни олиб келинг.

Собир Раҳимов туманига қарашли «Вахдоният» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 23.30. 1 2 3 4 5 6